**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**_5120400 – Археология_ бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 654
«20» 07 2019 йил

# СЎЗ БОШИ

## 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;
- ЎзР ФА Тарих институти.

## 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «5» 07 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

## 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5120400 – Археология* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи ...........................................................................** | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ............................................................................ | 4 |
| 1.2. | *5120400 – Археология* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи............................................. | 4 |
| **2.** | ***5120400 – Археология* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ...........................................................................** | **6** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ............................................................................................ | 6 |
| 2.2. | *5120400 – Археология* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ............... | 7 |
| **3.** | ***5120400 – Археология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ...........................................................................** | **7** |
| 3.1. | *5120400 – Археология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ....... | 8 |
| 3.2. | *5120400 – Археология* бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар................................ | 9 |
| 3.3. | *5120400 - Археология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми............................................................... | 10 |

# 1. *5120400 – Археология* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

*5120400 – Археология* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даража) | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби *5120400 – Археология* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5120400 – Археология* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *5120400 – Археология* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5120400 – Археология*** бакалавриат таълим йўналиши – ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасининг йўналиши бўлиб, жамият ривожланишининг барча қирраларини аниқ ўрганиш, жамият истиқболини белгилаш, археология, тарих соҳасини ривожлантириш, давлат музейлари; нотижорат ташкилотлари; тарихий, маданий, маънавий меросни ўрганиш марказларида мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг

воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуаси билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**1.2.2. *5120400 – Археология* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

тарих соҳасига доир назарий муаммолар, Ўзбекистон ва жаҳон халқларининг моддий-маданият тарихи, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий жараёнлар, жамиятнинг турли соҳалари ва уларнинг ривожланиш тарихи, миллатлараро этник муносабатлар, қадимий ғор маконлар, энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар ёдгорликлари, қадимий ва ўрта асрлар қабр-қўрғонлари, қадимий сув иншоатлар, маданий қатламлар, археологик топилмалар, моддий-манбалар, ёзма манбалар, меъморий ёдгорликлар, этнос ва ҳудуд, металл қазиб олиш марказлари, қадимий конлар, металл эритиш манзилгоҳлари, ер юзи ландшафти, савдо йўллар.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

***5120400 – Археология* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- моддий ва маънавий ёдгорликларни ўрганиш ва қўриқлаш масалалари билан боғлиқ муассасалар бўлинмаларида фаолият олиб бориш;
- ижтимоий-гуманитар йўналишидаги ташкилотларда ташкилий-услубий ва ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш;
- музейларда, оммавий-ахборот муассасаларида, турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилотларида ҳамда бошқа муассасаларда ишлаш;
- ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш.

**1.2.3. *5120400 – Археология* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *илмий-тадқиқот фаолияти;*
- *маънавий-маърифий фаолият;*
- *ташкилий-бошқарув фаолият;*
- *турли хизматлар кўрсатиши* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5120400 – Археология*** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни қуйидаги мутахасисликларда давом эттириши мумкин:

*5А120401 – Археология;*

*5А120402 – Этнография, этнология ва антропология;*

*5А120403– Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи)*

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *5120400 – Археология* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

**Бакалавр:**

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуктаи назарга;
- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаёти нуктаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. *5120400 - Археология* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- кичик илмий ходим ва ёрдамчи лавозимларда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориши;
- илмий-услубий ва бошқа техник ишларини бажариш;
- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (таълим йўналиши хусусиятларига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий ва илмий-услубий фаолият турлари бўйича ахборот-ресурс каталогларини тузиш ва улардан фойдаланиш;
- илмий-амалий семинарлар, конференцияларни ташкил этиш ҳамда илмий, таҳлилий оммабоп нашрларда мақолалар билан қатнашиш;
- тарих фани соҳасига оид илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш бўйича маънавият марказларида фаолият олиб бориш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

- Ёшлар иттифоқи ташкилоти ва маҳаллаларда маънавий-маърифий масалалар бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;
- Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш;
- умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

- ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри таклиф бериш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***

**Турли хизматлар кўрсатиш:**

- тадқиқ қилинган объектлар бўйича махсус йўл кўрсаткич яратиш;
- қадимги меъморий ва археологик ёдгорликларини сақлаб қолиш ва улардан фойдаланиш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

## 3. *5120400 - Археология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5120400 - Археология*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар;
умумкасбий фанлар;
ихтисослик фанлар;
қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар ҳамда иш берувчилар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва кархоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофик равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:**

**Гуманитар фанлар бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

**Табиий-илмий фанлар бўйича:**

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда ахборот технологиялари ва жараёнларни математик моделлаштириш, ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг археология соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий ва илмий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

археология таълим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки бўйича:**

табиий-илмий фанлар билан археология таълим йўналишидаги ихтисослик фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

археология таълим соҳаси йўналишидаги ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки бўйича:**

археология таълим соҳасидаги бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

археология таълим соҳасидаги бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

археология соҳасидаги талабанинг муайян магистратура мутахасислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

**Қўшимча фанлар блоки бўйича:**

археология таълим соҳасидаги талабаларнинг бакалавриат умумкасбий ва махсус фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Танлов фанлари таркиби ва мазмуни соҳа бўйича республика ҳамда хориждаги етакчи мутахассис-олимларнинг муаллифлик курслари ва муаммоли маърузалари асосида, фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талаблари асосида шакллантирилади ҳамда белгиланган аудитория соатларининг машғулот турлари бўйича тақсимоти ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

***Курс ишига қўйиладиган талаблар***

Курс иши мавзулари факультет кенгаши қарори билан белгиланган фанлар доирасида ишчи ўқув режасида кўрсатилади. Курс ишлари белгиланган фанлардан олинган билимларни бойитишга хизмат қилиши керак.

**3.2. *5120400 – Археология* бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар**

*5120400 – Археология* бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётлари бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашда қуйидаги малака амалиётлари ўтказилади.

***Археологик танишув амалиёти***: дала шароитида археологик қидирув ишлари ўтказиш, тизими, мазмуни ва шакли, усуллари, натижаларни расмийлаштириш ўрганилади. Амалиёт жараёнида талабалар назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларига эга бўлади, бу кўникмаларга археологик ёдгорликларни қазиб олиш жараёнида эга бўладилар.

***Археологик стратиграфик:*** амалиётда тегишли фанлардан олган назарий билимларни археологик қазиш ишлари давомида мустаҳкамлаш билан биргаликда дала шароитида ашёвий манбалар устида ишлаш ва лабораторияда қайта ишлаш кўникмаларини эгаллайди.

***Археологик меъморий-топографик:*** талабалар манзилгоҳларда археологик қазиш усулларини мустақил олиб бориш ва тўпланган ашёвий манбаларни тарихий-маданий жараёнларини ўргатишдаги аҳамияти тўғрисида кўникмалар ҳосил қилади.

***Ишлаб чиқариш амалиёти:***

Ишлаб чиқариш амалиётида талабаларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида маълум ҳудуд археологик ёдгорликларда амалга оширилган археологик қазишма натижалари билан таништириш ёки улардан бирида қазишма ишларини олиб бориш асосида амалга оширилади. Амалиёт давомида амалиёт ўтказиладиган ёдгорликнинг умумий ҳолати, ўрганилиш тарихи, ундан ўрин олган маданият ёки маданиятларнинг даври ва саналари, уларнинг мазкур воҳа тарихи ва маданиятида тутган ўрни ҳамда аҳамияти, талабалар қазишма ишларида бевосита иштирок этишиб, қазиш усулларини амалий жиҳатдан кузатиб борадилар. Қазилма жойини танлаш, томонларини ўлчаш, қазиш ишларида анжомлардан фойдаланиш ва бошқалар тўғрисида назарий билимларини мустаҳкамлайдилар. Қазишма жараёнида аниқланган қурилиш иншоотлари, топиладиган барча турдаги моддий топилмалар

тўғрисида маълумотлар бериб борилади. Маданий қатлам (стратиграфия) ва уларнинг шаклланиши тушунтирилади.

Амалиёт давомида талабаларга топилган моддий ёдгорликларни реставрация қилиш (қайта тиклаш), концервациялаш (муҳофаза қилиш), топилмаларни таснифлаш, чизиш каби билимлар ҳам бериб борилади.

**Битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар**

Битирув малакавий ишида бакалавр тугалланган касбий топшириқни ечади, у фанларни барча турлари бўйича билимларни қўллашни талаб этади.

Мазкур ишда бакалавр:

- тадқиқот мавзуси, муаммо бўйича қуйиладиган масалалар обзори ва таҳлилини бериш;
- асосий талабларни шакллантириш, муаммоларни ҳал қилиш жиҳатларни кўриб чиқиш ва маъқул томонларини аниқлаш;
- олдига қўйилган масаланинг (мавзу, муаммо) ҳолати ва тадқиқот доирасини таҳлил қилиш, унинг манбашунослик таҳлили ва тарихшунослик обзорини бериш;
- битирув иши мавзусининг аҳамияти (долзарблиги), мақсад ва вазифалари, янгилик даражасини кўрсатиш;
- мавжуд маълумотлардан фойдаланган ҳолда битирув иши бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- тадқиқот натижалари ва хулосаларга далиллар келтириш;
- муаммонинг кейинги таҳлиллари бўйича тавсиялар қилиш; муаммони кейинчалик ўрганишда ўқув жараёни, бошқа тадқиқот натижаларида фойдаланиш.

**3.3. *5120400 - Археология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги)ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 28 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Бакалавриат таълим йўналишларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 20 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқитишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

| | |
|---|---|
| Назарий ва амалий таълим | 115 ҳафта |
| Малака амалиётлари | 23 ҳафта |
| Якуний давлат аттестацияси | 6 ҳафта |
| Аттестациялар | 22 ҳафта |
| Таътиллар | 38 ҳафта |
| Жами | 204 ҳафта |

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| назарий таълим – | 57 %; |
| аттестация – | 11 %; |
| таътил – | 17 %; |
| малака амалиёти – | 12 %; |
| якуний давлат аттестацияси – | 3 %. |

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Назарий таълим ҳажми "Гуманитар билим соҳаси" билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| гуманитар ва табиий илмий фанлар | 24 %; |
| умумкасбий фанлар | 51 %; |
| ихтисослик фанлар | 19 %; |
| қўшимча фанлар | 6 %. |

# Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**
касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, индустриал тараққиёт, картография, биосфера, геосиёсат, демография, антропологик, суверенитет, варварлар, тенденция, абсолютизм, субстанционаллик, теология, стратиграфик, дендрохронологик, этник, реконструкция, синтетик таҳлил, категориялар, диспут, экспозиция, аудиовизуал, этнос, морфология, цивилизация, мистицизм, фармацион, урбанистик, миоцен, приматлар, ашель, леваллуа, антропогонез, нумизматика, голоцен, микролит протошаҳар, хронология, коропластика, артефакт, этнос, GIS, GPS, антик, урбанизация, инсон тараққиёти.

**Илова**

***5120400 – Археология* йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| | | |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1518** |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 78 |
| 1.02 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 |
| 1.03 | Фалсафа | 128 |
| 1.04 | Диншунослик | 64 |
| 1.05 | Ўзбек (рус) тили | 150 |
| 1.06 | Хорижий тил | 272 |
| 1.07 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 |
| 1.08 | Археологияда замонавий қурилмалар | 92 |
| 1.09 | Геоархеология | 154 |
| 1.10 | Археологияда ГИС | 238 |
| 1.11 | Математик статистика | 136 |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3144** |
| 2.01 | Ўрта Осиё археологияси | 680 |
| 2.02 | Археологияга кириш | 136 |
| 2.03 | Жаҳон археологияси | 408 |
| 2.04 | Инсон эволюцияси ва олд тарих | 238 |
| 2.05 | Жаҳон этнологияси | 238 |
| 2.06 | Эпиграфика | 238 |
| 2.07 | Археологик дала тадқиқот усуллари ва топилмаларга ишлов бериш | 270 |
| 2.08 | Нумизматика | 188 |
| 2.09 | Ўрта Осиёнинг орнаменти ва тасвирий саънати | 238 |
| 2.10 | Ўрта Осиёнинг ҳунармандчилик тарихи | 120 |
| 2.11 | Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар урбанизацияси | 256 |
| | *Танлов фанлари* | 134 |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1153** |
| 3.01 | Тарихий ўлкашунослик | 232 |
| 3.02 | Ўзбекистон давлатчилиги тарихи | 232 |
| 3.03 | Этногенез ва ўзбек халқининг этник тарихи | 130 |
| 3.04 | Этноархеология | 138 |
| | *Танлов фанлари* | *421* |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | **395** |
| 4.01 | Ёш физиологияси ва гигиена | 60 |
| | **Жами** | **6210** |
| | **Малакавий ва педагогик амалиётлар** | **1350** |
| | **Якуний давлат аттестацияси** | **324** |
| | **Аттестациялар** | **1188** |
| | **Жами** | **2862** |
| | **ҲАММАСИ** | **9072** |

**Ўзбекистон Миллий университети 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича), 5120400 – Археология, 5121300 – Тарих ва экскурсия – ўлкашунослик иши ҳамда 5121400 – Антропология ва этнология, 5220300 – Архившунослик бакалавр таълим йўналишлари ва уларнинг негизидаги 5А120301 – Ўзбекистон тарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича), 5А120401-Археология, 5А120402-Этнография, этнология ва антропология, 5А120403–Этногенез, ўзбек халқининг этник тарихи, 5А220301 – Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик ва архившунослик магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи**

**Ишчи гуруҳ таркиби**

| Т/р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| | | Ишчи гуруҳ раиси | |
| 1 | Джумабаев Д.Х. | ЎзМУ ўқув ишлари бўйича проректори, | |
| | | Аъзолари: | |
| 2 | Эшонкулов Ғ. | ЎзМУ ЎУБ бошлиғи | |
| 3 | Муминов А. | ЎзМУ профессори, тарих факультети декани | |
| 4 | Юнусова Х.Э. | ЎзМУ профессори, “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири | |
| 5 | Ўроқов Д.Ж. | ЎзМУ доценти, “Жаҳон тарихи” кафедраси мудири | |
| 6 | Очилдиев Ф.Б. | ЎзМУ доценти, “Археология” кафедраси мудири | |
| 7 | Рахмонкулова З.Б. | ЎзМУ доценти, Архившунослик ва манбашунослик кафедраси мудири | |
| 8 | Мўминов О. | ЎзМУ тарих факультети декани муовини | |
| 9 | Холиқулов А.Б. | ЎзМУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти | |
| 10 | Шоназаров Ш.Б. | ЎзМУ “Археология” кафедраси катта ўқитувчиси | |
| 11 | Усаров У.А. | ЎзМУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси | |

**Ўқув ишлари бўйича проректор ____________ Джумабаев Д.Х.**

**Декан ____________ Муминов А.**

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Ректор____________ **А.Р. Марахимов**

201_ йил «_____» _____________

М.Ў.

ЎзР ФА Тарих институти

Директор ______ **Р.М. Абдуллаев**

201_ йил «_____» ______________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини
Ривожлантириш маркази

Директор____________ **З. Т. Ҳакимов**

201_ йил «_____» _________

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти Тошкент бўлими

Бошлиғи ________ **А.А.Анарбоев**

201_йил «_____» _____________

М.Ў.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти

Ректор ______ **Г.Ш. Рихсиева**

201_ йил «_____» __________

М.Ў.

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети балакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида келишув**

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

**Тошкент ш.** **“_____” “_________” 2019 йил**

Биз қуйида имзо чекувчилар – ЎзР ФА тарих институти директори Р.М.Абдуллаев, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори Г.Ш.Рихсиева, Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Р.Марахимовлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Републикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 17 июндаги “2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, ЎзМУда ишлаб чиқилган қуйидаги бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг Малака талаблари мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

***Таълим йўналишлари:***

5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича), 5120400 – Археология, 521400 - Тарих ва экскурсия - ўлкашунослик иши, 5211300 - Антропология ва этнология.

***Магистратура мутахассисликлари:***

5А120301 – Ўзбекистонтарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича), 5А120401-Археология, 5А120402-Этнография, этнология ва антропология, 5А120403-Этногенез (ўзбек халкининг этник тарихи).

Юқоридаги бакалавр таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича МТ ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

МТларнинг қайта ишлаб чиқилишида: фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий, лаборатория машғулотларига ажиратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилган.

Ишлаб чиқилган МТ ва ўқув режаларни ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори** **Марахимов А.Р.**

**ЎзР ФА тарих институти директори** **Абдуллаев Р.М.**

**Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори** **Рихсиева Г.Ш.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909 сонли, 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359 сонли, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151 сонли ва 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини турдош Олий таълим муассасалари билан**

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

**Тошкент ш.** **"___" _________ 201__ й**

**Қатнашдилар:** Д.Х.Джумабаев – ЎзМУ ўқув ишлари бўйича проректори, С.Умарова –ТДШИ ЎУБ бошлиғи, Ғ.Эшонқулов - ЎзМУ ЎУБ бошлиғи, Д.Талипов – ЎзМУ ЎУБ бошлиғи муовини, О.Мўминов – ўқув ишлари бўйича декан муовини – 11 киши, кафедра мудирлари – 17 киши, сифат комиссияси раиси – 11 киши, турдош ОТМ вакиллари – ТДШИ, ФарДУ, НамДУ, СамДУ, БухДУ, ҚаршиДУ, ҚҚДУ, АндДУ, УрДУ – жами 24 киши ҳамда 34 нафарЎМБ вакиллари.

## КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909 сонли, 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359 сонли, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151 сонли ва 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли Қарорларидда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети Ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари

Классификатори" асосида таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларининг муҳокамаси:

**Таълим йўналиши**

1. 5120300 –Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)
2. 5120400 – Археология
3. 5121300 – Тарих ва экскурсия – ўлкашунослик иши
4. 5121400 – Антропология ва этнология
5. 5220300 – Архившунослик

**Магистратура мутахассисликлари:**

1. 5А120301 – Ўзбекистонтарихи
2. 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)
3. 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича)
4. 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича).
5. 5А120401 – Археология
6. 5А120402 – Этнография, этнология ва антропология
7. 5А120403 – Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи)
8. 5А220301– Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик ва архившунослик

**Сўзга чиқди: Д.Толипов – ЎзМУ ЎУБ бошлиғи муовини.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909 сонли, 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359 сонли, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151 сонли ва 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли Қарорларидда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Миллий унивеситети тажрибали профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилган. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари учун кадр буюртмачилари ва истемолчи ташкилотлар талаблари ва хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ЎзМУ таянч ОТМ этиб белгиланган бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари учун такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Марҳамат, ушбу малака талаблари ва ўқув режалар сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилинмоқда. Мазкур меъёрий ҳужжатларни таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича шўъбаларда кўриб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалингизни билдиришингизни сўрайман. Сизларнинг билдирган фикр-мулоҳазаларингиз асосида тегишли тузатишлар киритилиб, ОЎМТВ га тасдиқлаш учун топширилади.

**т.ф.д. Х.Э.Юнусова, ЎзМУ Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида номлари келтирилган бир қатор қаорорлари ва Ўзбекистон Республикаси соҳага оид қонунлари ҳамда меъёрий хужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида, олий таълим тизими ривожлантириш мақсадида нуфузли ҳорижий олий таълим муассасалари тажрибалари инобатга олинган холда университетимиз

профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган МТ ҳамда ўқув режалари қўйилган талабларни ўзида тўлиғича акс эттирган ва меъёрий талабларга тўлиқ жавоб беради.

Улар Олий таълим мутахассисликлари классификаторига мос равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли қарорига мувофиқ, 5120300 –Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат йўналиши негизидаги 5А120301 – Ўзбекистонтарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассисликларининг МТ ва ўқув режалари кадр бюртмачилари ва истеъмолчи ташкилотлар ҳамда турдош ОТМлари вакиллари, етук мутахассисларни жалб этган ҳолда, қайта ишлаб чиқилди. Шунингдек, мазкур МТ ва ўқув режалар олиб борилаётганислоҳотлардан келиб чиқиб, талабаларнинг тарих таълим йўналишлари бўйича чуқур билим, кўникма ва малакаларни бажаришга мўлжалланган. Шунинг учун ишлаб чиқилган барча МТ ва ўқув режаларни маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

**доц. Д.Ж.Ўроқов, ЎзМУ Жаҳон тарихи кафедраси мудири:** Юқорида санаб ўтилан бакалавр таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари МТ ва ўқув режаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқилишида бугунги кун талабидан келиб чиқиб бир қатор асосий вазифалар эътиборга олинган. Жумладан, маънавий ҳаёт, жамият ва шахс руҳи, замонавий цивилизация ва унинг тараққиёт йўналишларини шакллантириш, талабаларда илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, амалдаги қонунлар ва қоидаларга доир билимларни таъминланишига ҳамда мутахассисликка йўналтирилган билимлар базасини яратиш ва улардан фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантиришига катта эътибор қаратилган. Ишлаб чиқилган МТ ва ўқув режаларни тасдиқлашга тавсия этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

**доц. Ф.Б.Очилдиев, ЎзМУ Археология кафедраси мудири:** Биз ҳам, 5120400 – Археология, 5121300 – Тарих ва экскурсия – ўлкашунослик иши ва 5121400 – Антропология ва этнология бакалавриат йўналишлари ва уларнинг негизида 5А120401 – Археология, 5А120402 – Этнография, этнология ва антропология ҳамда 5А120403 – Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи) магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари амалда белгиланган мезонлар асосида ишлаб чиқилди. Хусусан, янги ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари халқаро талабларида магистр мутахассислар тайёрлаш бўйича қўйилган талаб даражаси инобатга олинди ва улар МТ мазмунига киритилди. Бакалавриат ва магистратура мутахассисликлари касбий фаолиятининг объектлари, компнетларига қўйилган талаблар кучайтирилди ва кенгайтирилди. Шунингдек, малака талаблари ва ўқув режалари кадр буюртмачилари, истеъмолчи ташкилотлар ва турдош ОТМлари вакиллари, етук мутахассисларни жалб этилди. Шунинг учун ишлаб чиқилган барча малака талаблари ва ўқув режаларни маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

**т.ф.н. У.Абдуллаев, Тошкент Давлат Шарқшунослик институи доценти:** ЎзМУ тарих факультетида ишлаб чиқилган 5120300 –Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат йўналиши негизидаги 5А120301 – Ўзбекистонтарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассисликларининг МТ ва ўқув режалари буюртмачи ташкилотлар ва турдош ОТМлари томонидан билдирилган таклифлар инобатга олинган ҳамда барча меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб беради ва барча МТ ва ўқув режаларни тасдиққа тавсия этиш мумкин.

**т.ф.н. Н.Холматов Самарқанд Давлат университети доценти:** ЎзМУ тарих факультетида ишлаб чиқилган 4 та бакалавриат йўналиши ва уларнинг негизидаги 8 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари истеъмолчи ташкилотлар ва турдош ОТМлари томонидан билдирилган таклифлар инобатга олинган ҳамда барча меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб беради. Шундан келиб чиқиб, турдош

ОТМ вакили сифатида ЎзМУ профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча малака талаблари ва ўқув режаларни тасдиққа тавсия этиш мумкин.

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида муҳокамадан сўнг

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли, 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359 сонли, 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151 сонли ва 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорларидда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган куйдаги: 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавр таълим йўналиши ва унинг негизидаги 5А120301 – Ўзбекистонтарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассисликлари ва 5120400 – Археология, 5121300 – Тарих ва экскурсия – ўлкашунослик иши ҳамда 5121400 – Антропология ва этнология бакалавриат йўналишлари ва уларнинг негизидаги 5А120401 – Археология, 5А120402-Этнография, этнология ва антропология, 5А120403 – Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи магистратура мутахассисликлари ҳамда 5220300 – Архившунослик бакалавр таълим йўналиши ва унинг негизидаги 5А220301 – Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик ва архившунослик магистратура мутахассисликлари МТ ҳамда ўқув режалари асосий кадр буюртлармачилари бўлган вазирлик, идораларо ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишли илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИларида экспертизадан ўтказилди.

2. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларида турдош ОТМларининг таклиф ва эътирозлари инобатга олинган.

3. Ишлаб чиқилган малака талабини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.

**Мажлис раиси** **Д. Джумабаев**

**Котиб** **О. Мўминов**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълим йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг “Ижтимоий соҳа ва гуманитар фанлар” ўқув-услубий бирлашмасининг №     -сонли мажлис**

# БАЁНИДАН КЎЧИРМА

Тошкент ш.                                                                 «__» _______2019 йил

**ҚАТНАШДИЛАР: Бирлашма раиси** – Г.Ш.Рихсиева – ТДШИ ректори, С.Умарова – ТДШИ ЎУБ бошлиғи, Г.Эшонкулов - ЎзМУ ЎУБ бошлиғи, Д.Талипов – ЎзМУ ЎУБ бошлиғи муовини, ўқув ишлари бўйича декан муовини – 11 киши, кафедра мудирлари – 17 киши, сифат комиссияси раиси – 11 киши, турдош ОТМ вакиллари – ТДШИ, ФарДУ, НамДУ, СамДУ, БухДУ, ҚаршиДУ, ҚҚДУ, АндДУ, УрДУ – жами 24 киши ҳамда 34 нафарЎМБ вакиллари.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари иборат ишчи гуруҳлар томонидан хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**ЭШИТИЛДИ:**

1. **Г.Ш.Рихсиева – Ўқув-услубий бирлашма раиси, профессор.** Ҳурматли мажлис иштирокчилари, кун тартибидаги масала бўйича маълумотларни тақдим этиш учун сўз бирлашма котиби С.Умаровага берсак. Марҳамат.

